

Яқинда Давлатимиз раҳбарига автомобиль йўллари қуриш лойиҳаларининг бориши тўғрисида ахборот берилди. Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, Тошкентдан Самарқандга ва Андижонга элтувчи муқобил йўллар қуриш устида иш олиб борилмоқда. Жаҳон банки иштирокида "Тошкент – Андижон" йўли лойиҳалаштирилди. Умумий узунлиги 314 километр бўлган бу тезорар магистраль фойдаланишга топширилиши натижасида қатнов вақти 5 соатдан 3 соатгача қисқаради. Яна бир лойиҳа Тошкент билан Самарқандни боғловчи қўшимча йўл қуришга қаратилган. Хорижий мутахассислар иштирокида унинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган. Бу йўлнинг узунлиги 300 километр атрофида бўлади. Натижада қатнов вақти 4,5 соатдан 2,5 соатгача қисқаради.

Мамлакатимизда эндиликда "Инсон қадри учун, инсон бахти учун" деган ғоя устувор қилиб белгиланган. Шунинг учун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорликлар, барча соҳалардаги ўзгаришлар, янгиланишлар, яратувчиликлар халқимизнинг бахт-саодатини таъминлаш, қадр-қимматини улуғлашга хизмат қилишга қаратилган.

Бу ғоя қадимий қадриятларимиз, аجدодлардан мерос урф-одатларимиз, гўзал анъаналаримиз асосида, мағзида ҳам ифодасини топмоқда. Бу йил муборак Рамазон ойининг Ҳамал билан, Наврўз билан уйғун келгани, табиатдаги гўзалликлар, баҳорий янгиланишлар инсоний тозарилар, покланишлар, нафси тийишлар билан ҳамоҳанглик касб этгани халқимиз кўнглига сурур ва шукх бағишлади. Айни пайтда, баҳорий байрамларда ва моҳи рамазон кунларида эл-юртимиз ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамега муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак фазилатлар намоён бўлди.

Мамлакатимиз Президентининг 30-31 март кунларини Рамазон ҳайити байрами деб эълон қилиши, бу байрамни халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши инсонлар бахт-саодати учун бошланган эзгу ишларнинг давомидир.



РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА

ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИНАДИГАН МУҲИМ МАЙДОН



Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Яна саноқли кунлардан кейин Ўзбекистон дунёнинг 200га яқин мамлакатлари парламентарийларининг энг йирик мулоқот майдони – Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясига мезбонлик қилади. Марказий Осиё минтақасида илк марта ўтказилаётган мазкур халқаро тадбир мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тарихий воқеа сифатида муҳрланиши муқаррар. Таъкидлаш лозим, мамлакатимизнинг Парламентлараро иттифоққа аъзолиги 2017 йилда, яъни Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга ўтган, изчил ислохотларни дадил бошлаган пайтда қайта тикланди. Ўтган қисқа давр ичида миллий парламентаризм ва барқарор ривожланиш соҳасида улкан тажриба тўпланди. Юртимизнинг қатор соҳаларда эришган ютуқлари йирик халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.



Семинар-тренинг

ПАРТИЯ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ҲАМКОРЛИГИ: САМАРАДОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИ

Ҳар қандай сиёсий партиянинг куч-қудрати унинг нафақат марказий, балки қуйи бўғинидан тортиб, маҳаллий ва ҳудудий тузилмалари фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ. Жамиятда адолат ва қонунийликни қарор топтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда эса депутатлик корпуси, партиянинг халқ орасидаги фаол, фидойи, ташаббускор депутатлари етакчи ўрин эгаллайди. Бугун халқ ишончини оқлаш, долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва қонун ижодкорлигида фаол иштирок этиш ҳар бир депутат, парламент вакилининг асосий вазифасидир.

"Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан партиянинг ҳудудий ҳамда маҳаллий Кенгашларидаги масъуллари, депутатлари иш фаолиятида самарадорликни ошириш, қонун ижодкорлигида билим ва салоҳиятини юксалтириш, уларни ташаббускор ва амалий кучга айлантириш мақсадида "Маҳаллий Кенгашлар ва депутатлар фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш" мавзусига бағишланган икки кунлик семинар-тренинг ўтказилди.



КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МЕХАНИЗМИ

Президентимиз раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида ушбу иллатнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ" доирасида мамлакатимизда коррупцияга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда шаффофликни таъминлашга йўналтирилган бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Улуғ аждодларнинг ҲАҚҚОНИЙ ҚОМУСИ

"Ал-Ансоб"ни мутолаа қилар экансиз, ҳақиқатан ҳам, Ўрта Осиёнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг улуғ алломалар юрти эканлигига қатъий ишонч ҳосил қиласиз. Абдулқарим ас-Самъоний юртимизнинг қайси шаҳри, қишлоғи, овули, маҳалласига бормасин, уларнинг ҳар биридан ўнлаб алломаларнинг, асарларининг номларини келтиради.



Қўшиқлари боқийликка дахлдор

Устоз ва мураббийлар кунига бағишланган ҳар бир тадбир эса албатта: **"Меҳр нури ёғар доим юзингиздан, устозлар, Юрсам дейман шу табаррук изингиздан устозлар. Чин инсонлик китобига бахту иқбол битибсиз, Одоб ила билим олдим сўзингиздан, устозлар..."**

қўшиғи билан бошланади. Бундай шевр ва қўшиқлар яшар экан, демек, эл севган адиб ва шоирнинг ўзи ҳам барҳаёт!



Аввал хабар берганимиздек, Норин туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролари йиғини "Обод маҳалла", "Обод кўча", "Обод хонадон" кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичида 788 та маҳалла орасида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олган эди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаоли, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Учтепа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилшод Шералиев бошчилигидаги аҳил жамоа ободлик йўлида амалга оширган бекиёс ишлари тўғрисида республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 9712 та маҳалла орасида фахрли 3-ўринни қўлга киритди!

"Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг бундай ютуққа эришишига аҳиллик сабаб бўлди. Маҳалла "ет-тиллиги" ва аҳолининг барча қатлами ободлик йўлида бирлашди. Маҳалла сифатли электр қурилмалари билан таъминланди, кўчалар асфальт қилинди, тунги ёришти чироқлари ўрнатилди, кўприклар, ариқлар бетонлашиб, кўйма лоток ариқлар ётқизилди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳар бир кўча бошига кузатув камералари ўрнатилди. Бўш ерларга мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Ҳар бир кўчага боғбон тайинланди. "Булоқозор" зиёратгоҳи ва "Мовий осмон ости" музейи замонавий кўринишга келтирилиб, сайлгоҳ ва туризм масканига айлантирилди. Ушбу жойда "Ватанпарварлик бурчаги" ташкил этилиб, оталар жасорати ва меҳнати акс эттирилган суратлар жойланди. Аҳолининг қўшимча даромад олиши ва иш билан таъминланишини яхшилаш мақсадида "Обод хонадон" лойиҳаси асосида фойдаланилмай ётган ҳудуд тегишли тарзда бўлиб берилди.

Республика танловида "Обод кўча"даги обод хонадонда истиқомат қилаётган оила бошлиги Солижон Рустамов ҳам иштирок этди. Бу тиниб-тинчимас инсон саккиз сотихли ховлисида лимон, помидор, бодиринг, картошка етиштиради. Иккита қорамол боқади. Йигирма қўти асаларидан асал, йигирмата товукдан туҳум, тўрт метр квадрат ҳовузчада балиқ етиштириб, 70 миллион сўмдан зиёд даромад олишга эришган.

Партияимиз номидан Дилшод Шералиевни ушбу галаба билан муборақбод этиб, унинг келгуси ишларида янада улкан муваффақиятларга эришини тилаймиз!

"Адолат" СДП Матбуот хизмати



Депутат танловда фахрли ўрин эгаллади

Ташаббус

"ДЕПУТАТ ОЛИМПИАДАСИ" ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутати Мўйсинжон Меҳмонов 11-Исфайрам сайлов округи ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг чинакам маънодаги маслаҳатгўйи ҳисобланади.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Депутат томонидан амалга оширилган хайрли ишлар салмоғи бисёр. Худудларни ободонлаштириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш каби хайрли ишлар унинг кундалик юмушига айланиб қолган. Бундан ташқари, 6 нафар тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олаётган талабаларнинг олийгоҳни тамомлағач, айнан Қувасой шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш шарти билан уларнинг шартнома пуллари йилма-йил тўлаб келинаётгани ҳам фидойиликнинг ёрқин намунасидир.

Албатта, энг яхши сармоя илмга йўналтирилган сармоядир. Буни ҳаётий шioriга айлантирган депутат ҳудудда истиқомат қилувчи ёшларни мустақкам билим эгаллашга даъват этиш борабарда улар ўртасида турли кўрик-танловлар ўтказиб, муносиб рағбатлантириб боришни аънаъанага айлантириб олгани эътиборга сазовор.

Куни кеча Қувасой шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Депутат олимпиадаси" ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими депутат Мўйсинжон Меҳмонов, шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудирини Насибхон Мўминова, "Адолат" СДП шаҳар кенгаши раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтди.

Ғолиб ўқувчилар ҳамда ўз касбий маҳорати билан юқори натижаларга



эришган бир гуруҳ ўқитувчилар депутат томонидан фахрий ёрлик ва қимматбахо эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

— Таълим сифатини ошириш ҳамisha долзарб вазифа бўлиб келган. Бу борада шаҳар кенгаши депутати Мўйсинжон Меҳмоновдан жуда хурсандимиз, — деди шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудирини Насибхон Мўминова. — Депутат ташаббуси билан мактабда турли хил танловлар ўтказиш аънаъанага айланиб қолган. Яхши натижага эришган педагог, ўқувчи ва унинг ота-онаси муносиб рағбатлантириб келинади. Бу, албатта, мактаб педагогаларининг ўз устида тинимсиз ишлашига, ўқувчиларни эса фанларни мукамал ўзлаштиришларига замин яратмоқда.

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида юқори натижаларни қўлга киритишга интилоқдалар. Партиянинг "Ватан келажаги ёшлар кўлида" лойиҳаси доирасидаги таълимчилар учун биз "Адолат" партияси ва депутат Мўйсинжон Меҳмоновга миннатдорлик билдираемиз. "Депутат олимпиадаси" танловида 30 нафар ўқувчи ва 10 нафар педагог фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Бу каби депутатлар савфи кўпайишини тилайман.

— Мактабда ўтказилган «Депутат олимпиадаси» ҳар биримизни фанларни чуқур ўрганишимизга туртки бўлди. Ғолиб бўлиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Нафақат дарсликларни пухта ўзлаштирдик, балки кутубхонада қўшимча адабиётларни ҳам ўқиб,

билимпаримизни мустақкамладиқ. 9-синф ўқувчиси Муниса Алжоноева тарих фанидан, Нуриддин Садриддинов информатика фанидан, Асаббек Ҳакимжонов математика фанидан, ўзим эса инглиз тили фанидан биринчи ўринни эгаллаганим учун депутатимиз бизни тақдирлади, — дейди Заҳрохон Файзуллаева. — Бундан ўзимиз ҳам, ота-оналаримиз ҳам хурсандим.

Бу каби хайрли тадбирлар ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбияланишларида ҳамда умумтаълим мактабларидаги таълим ва тарбияни мукамал эгаллашларига ўз хиссасини қўшади, албатта.

Тадбир якунида мактаб ўқувчилари томонидан тақдим этилган баҳорий байрам дастури барчага қўш кайфият бағишлади.

ХАЙР-САХОВАТ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юртимизда Наврўз – яшариш ва янгиланиш, хайр-саховат байрами сифатида нишонланади. Айниқса, рўзаи Рамазон ойида аънаъаналар давом эттирилиб, байрам кунлари кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Адолат" СДП халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши депутати Алишер Хусайнов, "Бек тўпи" ва "Ал-Хоразмий" маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан бирга аҳоли билан учрашиб, уларни шодиёна билан қутладилар. Депутат ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда аҳолига байрамона кайфият улашиш билан бирга, 80 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилди, озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди, уларни Наврўзи олам билан қутлаб, юртимиз осмони мусаффо, дастурхонларимиз тўкин, маҳалладошлар орасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби ўзбекона қадриятлар янада мустақкамланаётгани ҳақида сўз юритилди.

— Ижтимоий ҳимоя масалалари ҳар доим давлатимиз диққат-эътиборида, — деди байрам тадбирида сўзга чиққан депутат А.Хусайнов. — Наврўз – янги умидлар ва имкониятлар байраמידир. Ватан ошадан, маҳалладан бошланади. Демак, қўшимча, маҳалладошимизнинг ҳолидан хабар олиб туришимиз лозим. Эҳтиёжманд инсонларга ёрдам бериш эса халқимизнинг бебаҳо қадриятларидан биридир.



Байрам тадбирида "Бек тўпи" МФЙ раиси Хусан Набиев, "Ал-Хоразмий" МФЙ раиси Шарофиддин Ароловлар ҳам сўзга чиқиб, йил давомида бундай тадбирларни давом эттириш зарурлиги, ҳар бир инсон ўз яқинларини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиши лозимлиги, бу аънаъана кўни-кўшилар, маҳаллалар ўртасидаги бирдамликни ҳам мустақкамлаши тўғрисида гапирдилар.

Дарҳақиқат, яхшиликни ҳар ким, ҳар куни қилиши даркор. Халқимизнинг бундай эзгу аънаъанаси ҳамisha давом этаверади.

Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

"Раҳбар аёллар мактаби" да МАЛАКА ОШИРДИ

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ҳамда етакчилик қобилиятини ривожлантириш орқали раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида бир неча йиллардан буён "Раҳбар аёллар мактаби" фаолият юритмоқда.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан мактаб доирасида ташкил этиб келинаётган махсус ўқув курслари мамлакатимизда фаолияти ихобий, ташаббускор, ўз соҳаси бўйича билим, тажриба ва етарли кўникмаларга эга етакчи аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Биргина ўтган 4-мавсумда давлат бошқарувининг турли соҳалари ва таълим тизимида фаолият олиб бораётган юқори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган 100 нафар хотин-қиз дастурни муваффақиятли тамомлаб, сертификат билан тақдирланди. Қувонарлиси, улар орасида партиядошимиз, халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши депутати Гавҳар Беркинова ҳам бор.

— Таълим жараёни уч ой давомида юқори малакали экспертлар иштирокида ўтказилди, — дейди халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши депутати Гавҳар Беркинова. — Шунингдек, бу галли дастур тингловчиларининг стратегик фикрлаш, тадбиркорлик, молиявий саводхонлик, тизимли таҳлил, суъбий интеллектни лойиҳаларда қўллаш, муаммоларни манзилли ҳал этиш бўйича кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, жамиятда аёллар мавқеини янада оқсатириш, мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг иштирокини оширишда юқори аҳамият касб этади, десам муболаға бўлмайди.

Маълумот учун, "Раҳбар аёллар мактаби" доирасида тингловчилар Миллий кадрлар захирасига киритилди ва давлат фуқаролик хизматидаги юқори турмуш лавозимларга тавсия этиб борилади.

Гавҳар Беркинова кадрлар захираси тавсияси доирасида Фориш туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига бошлиқ этиб тайинланди.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати



Мурожаатчи тадбиркорликни бошлади

Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгаши депутати Элмурод Каримов Янгиариқ туманидаги "Сардорлар", "Собиржон" маҳаллаларида яшовчи сайловчилари билан учрашиб, улар билан дилдан сўхбатлашди, сайловчиларни ўйлаштириб келаётган муаммоларни ўрганди ҳамда кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Хусусан, "Собиржон" маҳалласи аҳолиси билан учрашувда депутатга суюлтирилган газ баллонлари кеч олиб келинаётгани тўғрисида мурожаат бўлди. Де-

путат маъруз масала юзасидан туман газ унитар корхонаси раҳбари номига зудлик билан депутатлик сўрови чиқариб, ижросини назоратга олди.

Мазкур маҳалла аҳолиси томонидан аҳолининг таморқаларини суғоришдаги муаммолар ҳам муҳокама этилди ва депутат аралашуви билан масала ўрганилиб, аниқлик киритилди ҳамда муаммони бартараф этиш чоралари бошлаб юборилди.

Фуқаро Жуманазар Содиковнинг чорвачилик бўйича тадбиркорлик

қилиш мақсади ҳам амалга ошди. Депутат кўмаги билан мурожаатчи 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб берилди.

— Депутатимиз Дилмурод Каримовни доим сайловчилари орасида кўраемиз, — дейди фуқаро Ойша Раҳимова. — У касалманд, боқувчисини йўқотган фуқароларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Депутат қисқа вақт ичида ишончимизни қозонди. Масъулиятли халқ вакилини сайлаганимиздан хурсандимиз.



Никоҳдан ажралашнинг ҳуқуқий оқибатлари

Сўнгги йилларда кўнгилни хира қиладиган, жамият ривожига соя соладиган оилавий ажримлар барчамизни ташвишга солмоқда. Аксарият ёшлар никоҳга энгил-ели қарши оқибатида фарзандлар етим бўлиб қолмоқда. Қуда-андалар ўртасидаги ришталарга путур етмоқда. Ажримлар кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Биз ушбу мақоламизда фақат унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида қисқача тўхталишни лозим топдик.

Гулҳаё ЖУМАЕВА, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларо судининг судьяси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига биноан "Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқли-дирлар". Ушбу асосий тамойил, аввало, никоҳ тузишда ва никоҳдан ўтган эр-хотиннинг ҳуқуқ ва муомала лақақтини белгилашда, никоҳдан кейин ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Курилишининг фаол иштирокчилари қилиб тарбиялашлари, ҳуқуқий норма-ларни билиш, давлат ва унинг қонун-ларини ҳурмат қилиш, қонун талаб-ларига риоя қилиш ҳам муҳим роль ў-йнайди. Ҳуқуқий нормалар ёш авлодни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, давлат ва жамият олдидаги ўз бурч-ларини тўғри тушуниш ва унга оғишмай амал қилиш руҳида тарбияланиши.

Оилада эр-хотиннинг тенг ҳуқуқли-лиги оилавий муаммоларни ўзаро ро-зилик билдириш ва келишилган ҳолда ҳал этиш учун имконият яратди.

Ота(эр) билан она(хотин)нинг бола-ларни тарбиялашда тенг мажбурият-ларга эга бўлиши улар никоҳдан аж-ратилган ҳолда ҳам сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила қон-унчилигига биноан, оилавий муноса-батларда хотин билан эр баб-баробар шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларга эга. Улар ҳуқуқдан фойдаланиш билан бирга зиммаларига тенг мажбурият олади-лар. Эр-хотин никоҳга киришда мус-тақил фамилия танлайди (Оила ко-дексининг 20-моддаси), уларнинг ҳар бири машғулот тури, касб, яшаш ва ишлаш жойи танлашда эркин (Оила кодексининг 27-моддаси) ва тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар. Эр-хотин-нинг никоҳга киришида фуқароликни танлаш масаласи ҳам қонунга биноан, тенг ҳуқуқлилик принципи асосланб ҳал этилади.

Эр-хотин никоҳдан ФХДЭ ёки суд тартибидан қонуний асосда ажралган-дан сўнг, улар ўртасида никоҳ даво-мида юзага келган мулкӣ ва шах-сий-номулкӣ ҳуқуқлар тўхтатилади. Никоҳдан ФХДЭ органларида ажратилганда никоҳ тугатилганли-гини тасдиқловчи ҳужжат сифатида эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳдан ажралганлик ҳақида гербли гувоҳ-нома берилади.

Оилада ички муносабатлар шах-сий ва мулкӣ характерга эга бўлиши мумкин. Болалар тарбиясининг тўғри йўлга қўйилиши, уларни умуминсонӣ кадрятлар, ахлоқӣ нормалар руҳида тарбиялаш оилада эр-хотиннинг муҳим ҳуқуқ ва вазифалари ҳисобла-нади. Бунда ота-оналар ўз фарзанд-ларини (фарзандликка олинганларни) Ватанга содиқлик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик руҳида ҳамда жамият

Никоҳдан ажратиш вақтида эр-хо-тиндан бири (олдиндан огоҳланти-риб) иштирок этмаган ҳолларда, ни-коҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳ-нома томонлардан бирига берилиши мумкин. Бундай гувоҳномада никоҳ-дан ажралганлик қайд этилган ва гу-воҳнома берилган сана белгилаб қўйилади.

Агар эр-хотиндан бири никоҳгача бўлган фамилиясига қайтмоқчи бўлса, бу ҳақда никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳноманинг тегишли устунида қўр-сатилади ва паспортни алмашти-риши лозимлиги тушунирилади.

Никоҳдан ажралиш билан эр-хотин-нинг, Оила кодексига назарда тутил-ган ҳоллардан ташқари, барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳамда мажбури-ятлари тугайди.

Никоҳдан ажралиш ФХДЭ ор-ганида қайд этилиши эр-хотин олдида қонун билан белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни келтириб чиқарса, никоҳдан аж-ралиш билан улар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосан тугайди. Фақат қонунда белгиланган айрим ҳуқуқлар сақланиб қолади. Жумладан, эр-хо-тиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи.

Никоҳдан ажралиш сабабларига қара-б, унинг ҳуқуқий оқибати ҳам тур-лича бўлиши мумкин. Масалан, улим ёки шахсининг белгиланган тартибда вафот этган деб топиш натижасида никоҳ тугаса, эр-хотин олдида таъми-нот олишга бўлган ҳуқуқ ҳам тугайди, мерос ҳуқуқи вужудга келади, аж-ралишда таъминот олишга бўлган ҳуқуқ келиб чиқиши мумкин.

Никоҳдан ажралиш сабаблари бо-лалар билан ота-оналар олдидаги му-носабатларга ҳам турлича таъсир қи-лади.

Агар никоҳ ажралиш йўли билан тугаса, ота-оналар болаларга нисба-тан бўлган мажбуриятларидан озод қилинмайди. Ҳаттоки, ота ёки она-нинг бири болалар билан яшаш им-кониятига эга бўлмаслиги ҳам уни бола тарбиясида қатнашишдан, ўз боласига таъминот бериб туриш-дан озод қилмайди. Ота-оналарнинг бири вафот этса, болалари улардан мерос олиш, боқувчисини йўқотган-лиги учун нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнда мол-мулкни тақсимлаш, болалар таъминоти, ижтимоий ва психологик жиҳатлар асосий аҳамиятга эга. Никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари, агар тўғри ҳал этилса, оила аъзоларининг манфаатларини муҳофаза қилишга, шунингдек, ижтимоий барқарорликка эришишга ёрдам беради. Ажралиш жараёнида ҳар икки томоннинг ҳуқуқлари, қарзлар ва мол-мулкни адолатли тақсимлаш, фарзандлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Демак, ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳар томонлама аниқ ва адолатли бўлиши керак.

Тан олиш керак, бундан 10-15 йиллар илгари коррупцияга қарши курашиш у ёқда турсин. "коррупция" деган сўз маъносини кўпчилик яхши англайвермаган. Унинг ўрнида деярли ҳар биримиз учун бегона бўлмаган "одамгарчилик", "йўлини қилиш" деган тушунчалар бор эди. Албатта, таълим, соғлиқни сақлаш, маҳаллий ижро тизимига ишимиз тушса, "ҳар эҳтимолга қарши" маблағ масаласини эътибордан четда қолдирмаганмиз. Балки шунинг учундир, халқаро рейтингларда қуйи поғоналардан ўрин олганмиз. Хусусан, 2016 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро рейтингда Ўзбекистон 176 та давлат ичида 156-ўриндан жой олган.

Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назорати



Дилфуза УМЕРОВА,
халқ депутатлари
Сирдарё вилоят
Кенгаши депутати

Халқаро рейтингларда мамлакатлар эгаллаётган ўрин, табиийки, мамлакатнинг халқаро нуфузига, инвестициявий муҳитига ва энг муҳими, фуқароларнинг давлат тизимига бўлган ишончига жиддий таъсир ўтказди. Коррупциянинг чуқур илдиз отиши қонун устуворлигини заифлаштириб, ижтимоий тенгсизликни янада кучайтиради. Бу эса фуқароларнинг фаол позициясини сувайтириб, жамиятда адолатга нисбатан ишонсизликни шакллантиради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда янги, самарали механизмлар ишга туширилди. Коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қатор ишлар қилинди. Айниқса, қонунчиликни мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратилди. Хусусан, 2017 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ушбу йўналишда ҳозир ҳам асосий ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Унда давлат идора-лари, бизнес субъектлари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги асосида коррупцияга қарши курашда тизимий чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб берилди. Яна бир масала — кўплаб соҳалар рақамлаштириш орқали шаффолаштирилди, инсон омили камайди. Инвестициявий муҳит жозибадорлиги ошди.

Давлат хизматига олиш бўйича танлов тизими иш бошлади. Ер муносабатлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ижтимоий хизматлар ор-тиқча югур-югурларсиз, бир нуктада қўрсатилмоқда. Ижтимоий мақом доирасидаги ҳужжатларимизни ўзимиз бири неча дақиқада юклаб олиш имкониятига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, юртимизда коррупцияга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳаётимизда акс этган натижаларнинг бир қисми, холос. Бунинг 2024 йилги халқаро рейтингда давлатимизнинг 35 поғона юқорилагани ҳам тасдиқлайди. Аслида нати-жалар бундан-да юқсак бўлиши, коррупцияга қарши кураш тоқатсиз ва муросасиз кечishi керак.

Нега дейсизми? Қўпчилигимиз етарли эътибор қилмаймиз: кор-рупцияга қарши курашдаги энг катта хатолардан бири аслида унга оддий ҳолат сифатида қарашимиз, жамиятда "бу нарса барибир ўз-гармайди" деган тасавурнинг қарор топганидир. Бироқ оқсоқ тарих шохид, коррупцияни енгган жамоатлар, аввало, ўзгаришга ишонган, шахсий манфаатни эмас, умумий тараққиётни устувор мақсад сифа-тида қўйган эди. Масалан, 1960 йилларда Сингапур жаҳондаги энг коррупциялашган давлатлардан бири эди. Ушбу ҳолат давлат бошқар-увининг самарасизлиги, иқтисодий муаммолар ва аҳолининг ҳуку-матга ишонмаслигига сабаб бўлган. Бироқ қатъий сиёсий ирода, тако-миллаштирилган қонунчилик ва амалий чоралар билан бу мамлакат ўз тақдирини ўзгартирди.

Шу ўринда муҳим жиҳат. ХАБАРИНГИЗ БОР, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЖОРИЙ ЙИЛ 5 МАРТ КУНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЕНГАШНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИДА ҚАТНАШДИ. Унда бу йўна-лишда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгуси-даги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Аҳамиятлиси, йиғи-лишда ПАРЛАМЕНТНИНГ НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОР-ЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, УЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭКАНЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛДИ. ШУ МАҚ-САДДА, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА КОНВЕНЦИЯ ТАЛАБЛА-РИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШГА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ БЕЛГИЛАНДИ. ЭНГ МУҲИМИ, ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН УШБУ МАҚСАДЛАР, ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ҲАР ЙИЛИ 10 МИЛЛАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИГАН БЎЛДИ. Бу, шубҳасиз, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖАМОАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИ-РАДИ.

Йиғилишда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар билан танишар эканман, таълим ва тарбияда ҳалоллик тамойили ҳам алоҳида эътиборга олинб, ёш авлодни ҳалоллик руҳида тарбиялаш коррупцияга қарши ку-рашининг энг самарали йўлларидан бири эканлигини англаб етдим. Президентимизнинг 2024 йил 16 октябрдаги тегишли фармони доира-сида Янгиер туман педагогика коллежimini техникмуоа айлантирилди. Нор-матив-ҳуқуқий ҳужжат касбий таълим тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий этишга қаратилгани билан соҳа вақиллари томонидан илқ кутби олинди.

Шунингдек, ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА 2025/2026 Ўқув йилидан БЕЛГИЛАНГАН ТЕХНИКУМЛАРДА ХАЛҚАРО ТАЪ-ЛИМ ДАСТУРЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ. Бу ДАСТУРЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ВА ИМТИҲОНЛАРНИ МУВАФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАН Ўқувчиларга ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА ДИПЛОМ (СЕРТИФИКАТ) ҲАМДА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ. 2025 йил 1 январдан бошлаб ТЕХНИКУМЛАРНИНГ ДИРЕКТОР ВА ДИРЕКТОР ЎРИНБАСАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЛАБОРЛАР ОЧИҚ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАНЛАБ ОЛИНАДИ. УШБУ ФАРМОН ҲАМ КОРРУПЦИЯ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЖАДАЛ КУРАШ КЕ-ЧАЁТГАН ТАЪЛИМ СОҲАСИ, ХУСУСАН, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ИСТИҚБО-ЛИНИ КЎЗЛАГАН, КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ҚАДАМ ҲИСОБЛАНДИ. Шу билан биргаликда, бу профессионал таълимдаги коррупциоген омилларга қарши комплекс чора-тадбирларнинг амалиётга таъбиқ этилаётганини кўрсатади.

Зўравонликдан сақланиш — ўз қўлингизда!

Анджон иқтисодиёт ва курилиш институтида хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга бағишланган тадбирда жамиятда аёлларнинг ўрни, уларнинг ҳуқуқлари ва давлат томонидан қўрсатилаётган эътибор ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири экани таъкидланди. Ачинарлиси, ҳали ҳам айрим оила-ларда аёлларга нисбатан кўпол муносабат сақланиб қол-моқда, баъзи ҳолларда эса вояга етмаган қизлар таъзиқ ва зўравонлик қурбонига айланмоқда. Шу бос, бундай ҳо-латларнинг олдини олишда нафақат ҳуқуқ-тартибот идора-лари, балки жамоатчилик ҳам фаол иштирок этиши лозим-лиги қайд этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, зўравонликка қарши ку-рашда хотин-қизларнинг ўзи ҳам ҳуқуқий билимга эга бў-лиши ва фаол фуқаролик позициясини намоён этиши жуда муҳим. Аёлга нисбатан адолатли ва ҳурмат билан муноса-батда бўлиш, аввало, оилада шаклланиши лозим. Чунки оила — жамиятнинг таянчи, эртанги авлод тарбиясининг асосий маскани.

— Буун зўравонликка қарши курашни янада кучайтири-шимиз керак, — дейди "Адолат" СДП Анджон вилоят кен-гаши раиси ўринбасари Милоҳатхон Мусаева. — Зўравон-лик фақат жинсий таъзиқдан иборат эмас. Хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай кўпол муносабат, камситиш ва улар-нинг ҳуқуқларини бузиш — жамиятимиз учун хавфли ҳолат. Бу муаммоларга қарши бирағликда курашсак, албатта, ўз-гаршиларга эришамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, бу каби мулоқотлар хотин-қизлар-нинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларни таъзиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан Термиз иқтисодиёт ва сервис университетиди "Биз хотин-қизлар зўравонлигига қаршимиз!" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатим-изда хотин-қизларнинг оила ва жамият-даги ўрнини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркор-ликка жалб қилиш, таъзиқ ва зўравонлик-дан асраш, бандлигини таъминлаш мақса-дида олиб борилаётган ишлар, амалдаги қонунчиликка киритилаётган ўзгариш-лар хусусида фикрларини билдиришди.

— Йиғилишда иштирок этган аёлларга хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонлик-дан ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фа-оллигини янада ошириш йўналишидаги ҳақ-ҳуқуқлари бўйича тушунчалар бер-дик, — дейди Термиз шаҳар ИИБ ҳодими Ирода Бобонова. — Хусусан, таъзиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ўзига нисбатан таъзиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан те-гишли ваколатли органларга ҳамда та-шкilotларга ёхуд судга мурожаат этиши мумкин. Қолаверса, ички ишлар органла-рига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиши мумкин-лигини ҳам айтиб, ҳимоя ордери шарт-лари бузилган тақдирда бу ҳақда хабар-дор қилиш бўйича маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир сўнггида турли соҳаларда фа-олият олиб бораётган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оши-

риш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Шундай мулоқотлардан яна бири парти-янинг Термиз туман кенгаши ва ҳамкор та-шкilotлар иштирокида Термиз давлат педа-гогика институтида бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари жамиятда зўравонликка қарши курашиш бўйича амалга оширила-ётган чора-тадбирлар, мавжуд қонунчилик меъёрлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профи-лактикаси юзасидан сўз юритди.

— Чиқишларда қонунларимизда ҳар қандай зўравонликка нисбатан жазо бел-гиланганлиги, ҳеч қим инсон, айниқса, аёл шаънини оёқ ости қилишга, уни таққир-лашга ҳаққи йўқлигига ургу берилди, — дейди халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутати Насиба Рўзиева. — Жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оши-риш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, хотин-қизларни давлат бош-қаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш, энг асосийси, зўравонликларнинг барча кўри-нишларидан, таҳдидлардан ҳимоялаш ҳаммамиз бирдек масъул ва жавобгар эка-нимизни унутмаслигимиз керак.

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, юзлаб машҳур кўшиқлар муаллифи, ўнлаб пьесалари республика театрларида сахналаштирилган, кўплаб китоблар ёзиб, ўзидан катта маънавий мерос қолдирган Пўлат Мўминнинг фарзанди, филолог Табассум МўМИНОВА билан бўлган суҳбатимиз халқимизнинг тўйларида, яхши кунларида ханузгача кўшиқлари севиб қуйланаётган шоир ва адиб ҳақидаги хотиралар билан боғлиқ бўлди.



Кўшиқлари боқийликка дажлдор

– Пўлат Мўминнинг дарсликлардаги кўп-лаб шеърларини ёд олиб, асарларини, эртакларини ўқиб, кўшиқларини тинглаб ўлганганимиз ва улар бизни маълум маънода шеърят ва адабиёт оламига олиб кирган. Улар бугун ҳам ҳофизлар томонидан севиб қуйланмоқда. Шундай улус инсоннинг фарзанди бўлиш катта бахт, шундай эмасми?

– Ҳақиқатдан ҳам мен бахтли фарзандман. Илм-маърифатли, эл эътиборидаги инсонларнинг фарзанди бўлганлигимдан фахрланаман. Ота-оналаримиз билан боғлиқ хотиралар қалбимизда абадий қолаверар экан. Эртага фарзандларингиз хотирасида қолиш учун бугун улурнинг ҳаётида бўлишингиз керак. Адам ҳаётимизнинг деярли ҳар бир дамида биз фарзандлари билан бирга эдилар. Болалигимиз Чилонзорда, ижодкорларга берилган уйда ўтган. Бу ерда ижод аҳли оилалари билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиб яшаганмиз. Уша адабий муҳит ҳозиргача мени тарқ этмаган десам, хато қилмайман. 2-синфга ўтганимда, Хувайдо маҳалласига кўчиб ўтганмиз, 169-мактабда ўқишни давом эттирганман. Мактабда барча шеърларни тез ёдлаб олардим. Аста-секин мактабдаги тадбирларда иштирок эти бошлаганман, доимо менга шеър ёдлаб келишимни топширишарди, шеърни яхши ўқисам керак-да. Кўпинча “аданга айтгин, мавзуга мос шеър ёзиб берсинлар”, деб илтимос қилишарди. Адажонимнинг шеърлари дарсликда учраб қолса, синфдошлар “адангнинг шеъри экан”, деб пириқлашарди. Мен эса уни аллақачон ёд олган бўлардим.

– Болалигингизнинг ёрқин саҳифаларида падари бузрукворингизнинг сурат ва сирати кўз олдингизда қандай гавдаланади?

– “Сурат гўзал бўлиши кўзни қувонтиради, сийрат гўзал бўлиши эса қалбни манман қилади”. Албатта, сурат ва сийрат инсонга нисбатан ташқи ва ички хусусиятларни ифодаловчи икки муҳим тусушча. Улар одатда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг жисмоний ва маънавий қирраларини ифодалар экан, мен адамларда шу икки хислатни доимо ўзаро уйғунликда кўрардим. Адам юмшоқ табиатли, лекин кези келганда қатъиятли, меҳрибон, ниҳоятда камтар, маънавий пок, оддий ва самимий, ўрни келганда ҳазилкаш инсон бўлиб, ўзига бино қўйиш ва кибрдан йироқ бўлганлар. Албатта, шоирнинг ташқи кўриниши унинг ижодига мос бўлиши лозим. Масалан, улар ижодий учрашувларга ўзига хос либос танлай олардилар. Ички ва ташқи маданиятнинг уйғун бўлиши қадрлардилар. Инсон нафақат маънавий, балки ташқи жиҳатдан ҳам гўзал бўлиши керак, дердилар.

Гўзалликдан ажиб сеҳр ёғадур, Авеало кўз, кейин кўнгал огадур, – фардлари фикримга далил бўла олади.

Адамлар, табиат, одоб, муомала ва либосларнинг гўзаллигига шайдо эдилар, дидлари жуда баланд эди. Табиат гўзаллигига катта эътибор берар, заминни яхши кўрардилар. Ҳар йили эрта баҳордан ҳовлимиздаги бир парча ерга райхоннинг турли навларини, турфа гул кўчатларини олиб келиб экардилар. Ҳовлимиз гулзорга айланиб, файзли бўлиб кетарди. Кафтдеккина ҳовлимизда узум, ўрик, тут, шотут, олма, шафтоли бўларди. Адажоним ош учун ўзлари ачиқ-чучук қилар, ичига, албатта, эккан кўкатларидан, райхон баргларидан солардилар. Жуда кўп кўкат истеъмол қилар, энди дамланган қозонини секингина очиб, баҳор бўлса, албатта ток новдалари, 1-2 та саримсоқпёз, қизил сабзидан бутун-бутун қилиб солардилар. Уйимиздан қишин-ёзин шотут аримасди. У фарқ пилганда чиройли идишчаларга жойлаб, йил

давомида музхонада сақлардилар. Кимнинг қон босими ошса ёки шамолласа, доимо шотут чой қилиб берардилар. Улуф адиб ва академиклардан Ҳамдам Усмонов, Эрқин Тўрақулов, Соҳиб Азимов, Эрқин Воҳидовлар келишса, шахмат уйнашар ва адам улурни шотут билан меҳмон қилардилар. Адамдаги самимийлик, яқинлигига ва дўстларига бўлган меҳр-оқибат катталар ва болалар учун ёзган шеърларида ҳам кўзга яққол ташланади.

– Шоирнинг болалар ҳақида кўп ва хўп ёзгани унинг болаларни яхши билганиданми? Уларга хос одатларни яхши билганиданми?

– Уйимиз 169-мактабнинг ёнгинасида жойлашган бўлиб, танлафуга чалинган кўнги-роқлар ҳам, болаларнинг шовқин-сурони ҳам ҳовлимизга эшитилиб турарди. Адам кўчага чиқиб, кўпинча болаларни кузатар, танимаса ҳам гапга тутардилар. Мазкур саволингизга отамнинг бир воқеа асосида ёзган шеъри орқали жавоб беришни жоиз деб биланман:

“Мен Устоз Ғафур Ғуллом номли мактаб ёнида истиқомат қиламан. Бир оғайним менга аччиби: “Болалар шовқини роса қулоқ-миянгни еса керак-ов, айниқса, улурнинг тўполони?” деб қолса бўладими?! Мен унга аксини айтсам, таажжубланди, холос. Кейин шеър ёздим:

**Тўғри, ҳовлимнинг ёни —
Мактаб, улурнинг майдони.
Бу ер — болалар кони
Билмайман сенга қандай?
Менга ёқади қандай...**

Ҳақиқатдан адам болаларни қандай яхши кўрар, улар билан бола бўлиб, бола тилида гаплаша олардилар.

– Ота-онангиздан олган маънавий сабоқларингиз умр йўлларингизда нечоғлиқ ибрат бўлган?

– Ўзбек оиласида меҳрнинг илдизи отада, муҳаббатнинг меваси эса онада, деб биланман. Биз ота меҳрини, она муҳаббатини ҳис этиб яшаганмиз, улурнинг ҳаёт тарзлари, меҳрлари, сабрлари ва ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатлари бизга ибрат бўлган. Онам — Ҳабиба-хон ҳаётлари давомида адамнинг ижод қилишлари учун доимо шароит яратганлар. Адам парҳез овқат ердилар, эсимни танибманки, уйимизда доимо икки қозонда овқат пишарди, бири, албатта, адажоним учун эди. Шунингдек, онам ҳам адабиётга ихлосандор бўлиб, ўқимаган, аммо уққан аёл эдилар. Жуда кўп бадийий китоблар ўқир, “Шарқ юлдузи” журналининг ҳар бир сонини интиқлик билан кўрардилар. Адамга ўхшаб онажоним ҳам доим ҳаракатда эдилар. Биргаликда бадийий асарларни, кўшиқларни таҳлил қилишганини кўп кўрганман. Улар ўртасида доимо ҳамнафаслик бўлган. Онам адамнинг шеърлари, кўшиқларига доимо ўз фикрларини билдирар, ҳатто агар адам касал бўлсалар, қандай дори беришни ҳам, қандай уқол қилишни ҳам билардилар.

Ўз навбатида адамнинг онамга меҳрлари бўлакча эди, «онанг жуда яхши аёл-да», дердилар.

– Шоир қайси фазилатлари билан ўзгалардан ажралиб турарди?

– Адам учун ҳаётги мезонлардан бири — камтарлик эди. Бизга ҳам манмансирасмаслик, мактанчоқ бўлмаслик ҳақида кўп гапирардилар. Бир кун улур тақсига ўтириб, уйимиз манзилни айтибдилар. Ҳайдовчи кўчамизга қайрилганда “Биласизми, шу кўчада Пўлат Мўмин деган шоир яшайди, деб эшитгандим”, дебди. Адам мийғида қулиб, “булса бордир”, дебдилару, ўзларини танитишга ийманибдилар. Адажонимнинг камтарлигини ҳамкасблари

ҳам таъкидлашар эди. Адам «Дангасалик зангга ўхшайди, нарсалар кўп ишлаш оқибатида эмас, зангдан тезроқ емирилади», дердилар. Шунинг учун ўзи доимо ҳаракатда, ижода бўлганлар.

– Оилада қандай ўзбекона қадриятларга амал қилинар ва қандай қоида, тартиб-интизом мавжуд эди?

– Биз ўзбекона оилада тарбияланганмиз: ўзбек мактабларида ўқидик, одоб-ахлоқимиз ҳам ўзбекона, яъни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат билан қараш, ота-она олдида паст овозда гапириш... Оиламиз меҳмондўст эди, келган меҳмон, албатта, овқатсиз жўнатилмас эди. Онам “кўлларни ширин” пазанда аёл бўлиб, уйимизга қутилмаганда келган меҳмонларга ҳам бир соатда ош дамлаб, едириб юборардилар. Оиламизнинг яна бир қадрияти бор эди. Ҳовлимизда тут дарахти бўларди. Адамнинг бағри кенлигидан шу биргина тут бутун маҳаллани тўйдирарди. Кўни-кўшниллар, болаларни чақириб, тут қоқиб берар ва бундан ўзлари ҳам завқланардилар. Тутдан шинни қилардилар, аммо ҳамма тоғорачаларни қорайтириб, тагини куйдириб қўйиб, онамнинг хунобини оширганлари эдимда.

Албатта, тартиб-интизом бўлган оилада тинчлик ва фаровонлик бўлади. Шу маънода оиламизда адамнинг гаплари қонун эди, гап қайтармас эдик. Болалигимизда ҳар биримизнинг ўз бажарадиган вазифаларимиз бўларди: менга ҳовли супуриш, уй тозалаш, акам ва укамга эса ер чопиш, экинларни сугориш, печкани қулдан тозалаш (болалигимизда печкага кўмир ёқиб, уй иситардик) каби. Ва албатта, аъло ўқиш ва дарсларни ўз вақтида тайёрлашимиз талаб қиларди. Адам эрта уйғонар, бизларга ҳам: “Қанча вақтли турсанг, шунча ишинг унади”, дердилар.

– Отангизнинг қандай ҳолатларда ҳақли чиқарди?

– Адам оғир-босиқ, шу билан бирга ҳазилкаш инсон эдилар. Камдан-кам ҳолларда жаҳллари чиқар, аммо ҳар қандай ҳолатда ўзларини тутта билар, лекин ёлғон гапни кўтара олмасдилар. Битта қиз бўлганиданми ёки қизлар оталарга яқин бўлганиданми, кўп суҳбатлашардик, сирлашардик. Ҳаётларининг сўнги йилларида ижод борасида бир-икки марта жаҳллари чиққанини кўрганман. Адамнинг асарлари ёки фикрларини нотўғри тафқин қилишса ёки улар устидан нотўғри фикр билдириб, танқид қилишса, қаттиқ ранжирдилар. Улар ўз ижодхоналаридаги ёзув столи устидаги буюмларни тартибга солиб қўйишимизни ёқтирмас, жаҳллари чиқар, ҳар бир тартибсизликда ҳам тартиб бўлади, дердилар. Лекин набиралари бу ерга киришни жуда ёқтиришар, нималарни ёзишларига қизиқишса керак-да. Қизим Шаҳинахон ҳам даврларни шундай ёдга олади: “Бобомни жуда кўп эслайман. Кўпинча улурниқанда ётиб қолардик. Эрталаб азонда уйғониб қолсам, кабинетларидан ёзув машинкасининг бир маромда чққч қилишини эшитардим. Кейинчалик, 90-йилларнинг охирида компьютер асри бошланган, адам уйимизга компьютер ва принтер олиб келдилар. Бизнинг уйимиз улурниқига яқин эди. Шунда бобомнинг кўлэзма шеърларини компьютерда териби, чиқариб бердим. Қанча хоҳласангиз, чиқариб берман, дедим. Ҳайрон қолиб ёш боладек хурсанд бўлганларини кўриб, ўзим ҳам қилган ёрдамимдан бошим кўкка етканди. Мен хоржуга ўқишга кетганимдан кейин сингалм Фарзона, укам Фирдавс бобомнинг шеърларини компьютерда териби, чиқариб беришарди. Бир кун укам шеърларини кўз олдиларида китобча қилиб берганида ҳайратланган эканлар. Бобом кўлэзма шеърларининг четларига доимо чиройли нақшлар чизиб кўярдилар. Илҳом берса керакда... Яқинба кун-

лари азонда эшигимизни тақиллатиб, қаймоқ ташлаб кетардилар, баҳор ойларида бизга варрак ясаб олиб келардилар, биз мазада қилиб еррак учурардик».

– Ёзувчида меҳр-оқибат туйғуси қай даражада эди?

– Адам ота-оналарига жуда меҳрибон бўлганлар. Ҳаётларининг охириги йилларида деярли ҳар кун кечқурун кўчамизнинг тўғрисидаги бир уйчада маҳалланинг турли тоифадаги кишилари билан шахмат уйнардилар. “Ютдингизми?” деб сурасак, қулиб, “Ютсам ҳам, ютқазсам ҳам, оддий одамлар билан мазада қилиб ўтирмаман, ҳаётини ўрганман,” дер эдилар. Адам дўстларини ҳам жуда қадрлардилар:

**Дўстини аввал синайдилар,
Кейин эса санайдилар, —
мисраларининг нақадар тўғрилигига ҳаётим давомида кўп мартаба гувоҳ бўлганман.**

– Анвар Обиджон эътироф этганидек, “Тарбия муаллим”нинг илҳом париси борасида гаплашасак. Устоз кўпроқ нималардан илҳомланар эди? Тарбиявий аҳамияти катта бўлган қайси асарларининг яратилишига гувоҳ бўлгансиз?

– Болалар учун ёзилган шеърлар нафақат улурни завқлантирувчи бадийий асар, балки самарали тарбия воситасидир. Улар орқали болалар одоб-ахлоқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижодий фикрлаш ва ўзини ифода қилиш қобилиятини ривожлантирадилар. Бундай шеърлар болаларга ёқимли уйиндек таъсир қилиб, улурнинг билим олиш ва тарбия жараёнини енгиллаштиради. Шунинг учун бўлса керак, адам бизларни ўз шеърлари орқали тарбиялардилар. Масалан, акам Озод, укам Жамид ва менинг ўзаро болаларга тўполонимиз, ҳатто бир-биримизга гап бермай жанжаллашшимиз оқибатида “Уч боланин жанжалли” шеърини ёзганлар. Шунга ўхшаш «Ақл қаерда бўлар» шеъри ҳам ўзаро ақл ҳақидаги баҳсини асосида яратилган эди. “Хат боради изидан”, “Парлиннинг харфи”, “Уч баҳоро пуч бахо”, “Ер чопилди, жавоб топилиди” каби шеърлари ҳам болалар ҳаётини воқеалари заминида пайдо бўлган.

Болалигимда ширинликни жуда яхши кўрардим. Ҳатто меҳмонга атай қўйилган конфетларни ҳам еб қўярдим. Бир кун меҳмон келганда, оғим сервантни очиб қарасалар, конфет солинадиган ваза бум-буш экан. Ушанда менга истеҳзоли тикмилиб, меҳмонларга қараб, “конфетнинг ҳаммасини қизимиз еб битирибди”, деб кулганлар. Шунда адам: “Энди ўзинг столнинг устига қўқ қизим, ҳамма ёгинг конфет бўлиб кетган, энди сени ейишад”, дегандилар ҳазилга олиб. Меҳмонлар қулиб юборишганди. Шундан кейин сўроқсиз конфет емайдиган бўлганман. Адам кейинчалик, менга бағишлаб, “Суқатой Конфетовой” эртақ-пьесасини яратдилар, бу пьеса “Ёш томошабинлар театри”да узоқ йиллар сахнадан тушмади.

– Етук шоир ўз халқига умрбод гўзал мисралари билан хизмат қилди. Ўз вақтида уни нафақат болалар шоири, ўзбек кўшиқчилиги султони дейишарди. Устознинг жуда кўп шеърлари куйга солинган ва улур ханузгача севиб тингланади. Сиз отангизнинг қайси асари, кўшиқларини яхши кўриб тинглайсиз?

– Қизларини хоржуга таҳсил олишарди. Тақдир тақозоси билан бир неча йиллар илгари, 2008 йилда АҚШнинг Даллас шаҳридаги бир ўзбек оиласининг никоҳ тўйида иштирок этганман. Келин-куёв тўйхонага хоржугаги урф-одатга кўра анъанавий Мендельсон вальси эмас, Фаррух Зокиров куйи, Пўлат Мўмин шеъри асосида яратилган “Вафо билан келибди” кўшиги жўржи-

гида кириб келишди. Томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди, кўзимга ёш қалқди, адамнинг кўшиги океан ортида ҳам янграётганидан, қуйланаётганидан қалбим қувонч ва фахр туйғуси билан қопланди. Ҳозир ҳам тўйга борсам шу кўшиги айтилса, кўзимга ёш келади. Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев адамнинг 100 йиллик хотира кечасида: “Пўлат акамнинг “Вафо билан келибди” кўшиқлари ўзбек тўйларининг гимнига айланган”, дея таъкидлагани ҳам бежиз бўлмас керак. Адамларнинг машҳур бўлган кўшиқлардан “Эй муҳаббат”, “Шифокорлар”, “Индамади”, “Ушал жонон севмасму?”, “Мен севаман, сен севасанму?” кабиларининг яратилиш тарихини “Бағишловлар-олқишловлар” китобида ёзганлар. Афсуски, мазкур китобнинг чиққанини адам кўра олмадилар, китоб бир кунгина кечикди...

Мен адамнинг барча кўшиқларини севиб тинглайман. Улар қалбимга ҳузур бахш этади. Ижод аҳли доимо қалбан ёш бўлиб қолавераркан. Адам ҳам ёшлик ҳисси билан яшаб, муҳаббатни маҳд этувчи кўшиқлар яратилган чарчамаганлар.

– Бугунги кунда ҳам сиз ва укангиз Озод Мўминхўжа саъй-ҳаракати тўғрисида шоирнинг асарлари қайта чоғ этилаётти, дўстларининг хотиралари ўқувчиларга тақдим этилаётти. Бу ҳам ижодкорнинг саодати. Шундай эмасми?

– “Улимнингиздан сўнг унутилишни истамасангиз, ўқишга арзийдиган китоб ёзинг ёки ёзишга арзийдиган бирор иш қилинг”. Адам, Бенжамин Франклин айтганидек, ўқишга арзийдиган ижодий мерос қолдириш баробарда, ёзишга арзийдиган ишлар ҳам қилганлар. Ижодкорнинг бахти унинг асарларида, қолдирган меросининг дунё ва одамлар ҳаётига ижобий таъсиридадир. Ижодкор яшадан тўхтаган бўлса-да, унинг руҳий олами ва ижодий изла-нишлари давом этади. Бу — вақт ва макон чегараларидан юқори бўлган маънавий боқийлик, ҳақиқий саодатдир. Чунки, биргина самимий шеър, ҳикоя ёки кўшиқ одамларнинг ҳаётини ўзгартириши, уларга дарданан фория бўлиши ёки таскин топиш имконини бериши мумкин. Инсон ҳаётга нима учун келганлигини, ўзига қандай вазифалар юклатилганлигини ҳис қилган ҳолда ҳаёт кечирishi — бу ҳаёт калитини топа олиш дегани. Адажоним ҳам шундай саодатга эга бўлган одамлардан эдилар. Шунинг учун, улурнинг номи, ижод намуналари ҳозиргача ёдга олинади.

– Бугунги кунда эл севган шоирнинг наварра-чеваралари қамолга етаяпти. Уларнинг устоз ижодига, умуман адабиётга муносабатлари қандай?

– Акам Озод Мўминхўжа физик олим бўлса-да, ҳаётини ижод билан боғлади. Унинг фантастик жанрдаги ҳикоялари, детектив жанридаги қиссалари, тарихий мавзудаги рисоалари китобхоналарга яхши таниш. Катта қизим Шаҳинахон Пўлатова Сан-Францискода истиқомат қилади. У адажонининг 100 йиллигига бағишлаб, “Умр вақтинча” шеърларини инглиз тилига таржима қилди. Ҳатто унинг инглиз ва ўзбек тилидаги кўшиқ вариантларини ҳам яратди. Шаҳинахонда адамдан мерос ижодкорликни сезаман. Бобо-сининг бошқа шеърларини ҳам таржима қилиб, тўплам қилиш ниятида. Ҳозир ёзаётган математикага оид дарсликка ҳам ижодкорлик билан ёндашаётганини сезаман. Адажоним бизга доимо ҳаракатда, изланишда бўлиш, вақтни беҳуда сарфламаслик кераклигини таъкидлаганлари ҳолда умрларининг сўнги кунларигача улурни ижод билан шуғулландилар:

**Икки нарсга сотилмас фақат,
Биттаси вақт, иккинчиси бахт, —
фардлари тўлақонли ўзларининг ҳаёт йўл-ларига тааллуқли. Чунки падари бузрукворим вақтдан унумли фойдалана олган, вақтларини беҳуда сарфламасликка интилан ҳолда ҳақиқий оилавий ва ижодий бахтга эришса олган, сотиб олиб бўлмайдиган нарсаларга эга бўлган инсон эдилар. Ҳақиқий ижодкорлар вафот этгандан кейин ҳам адабий мероси билан келгуси авлод ҳаётига сабоқ бўла олар экан. Адажоним Пўлат Мўмин ҳам ана шундай одамлар сирасига кирди. Чунки унинг болалар учун яратган шеърлари ҳозирги кунгача мактаб дарсликларидан ўрин олиб келмоқда ва улурнинг маънавийлигига, тарбиясига ҳисса қўшиб келяпти.**

Дарҳақиқат,
**«Ёр уйига келинпошша ибo билан келибди,
Куйё тўра юрагига шифo билан келибди.
Аста-аста қадам босар, кутлуғ бўлсин қадамлар,
Ҳаё билан хиром айлаб, ҳумo билан келибди»,** кўшиги барча ўзбек тўйларида янграйди. Устоз ва мураббийлар кунига бағишланган ҳар бир тадбир эса албатта:

**“Меҳр нури ёғар доим юзсингиздан, устозлар,
Юрсам дейман шу табарруқ изингиздан, устозлар.
Чин инсонлик китобига бахту иқбол битибсиз,
Одоб ила билим олдим сўзингиздан, устозлар”,** кўшиги билан бошланади. “Мен севаман, сен севасанми”, “Узма дўстлик торини боғлаш қийин...” каби кўшиқлар барчамизга бирдай ёд бўлиб кетган.

**“Эй гўзал, номинг на деб, бердим савол индамади,
Маҳлиё этди тамом офтобжамол индамади”,** сатрлари эса қулгоғимизга қўшиқ бўлиб қуюлган. Бундай шеър ва кўшиқлар яшар экан, демак, эл севган адиб ва шоирнинг ўзи ҳам барҳаёт!

Саодат МАТЁҚУБ қизи,
“Adolat” муҳбири

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Масъул котиб — Абдуғани Содиқов

Таҳрирят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюджетга Г — 2021

Адади — 2 021
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилган — 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳрирятга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрирят жаобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жаобгар.

“Шарк” НМАК бошмақасида чоғ этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ISSN 2093-5217

9772091521009